

МАРМАРАК (САЛВИА) ЎСИМЛИГИНИНГ ДОРИВОР ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИНТРОДУКЦИОН БАҲОЛАШ

Бегматов Абдусамат Маматқулович - Термиз давлат университети
ўқитувчиси, доцент. Термиз, Ўзбекистан

Аннотация: Мармарак ўсимлиги иссиқсевар, ёруғликни яхши кўрадиган, қурғоқчиликка чидамли ҳисобланади. Дориворлик хусусияти билан табобатда ўсимликлар орасида олдинги ўринда туради.

Калит сўзлар: мармарак(shalfey), доривор мармарак(*Salvia officinalis*), эфиопия мармарак (prjevalisky), хушбўй мармарак (bulleyana).

Аннотация: Растение Мармарак теплолюбивое, светолюбивое, засухоустойчивое. По своим лечебным свойствам он занимает первое место среди растений в медицине.

Ключевые слова: мармарак (shalfey), мармарак лекарственный (*Salvia officinalis*), мармарак эфиопский (prjevalisky), мармарак ароматный (bulleyana).

MEDICINAL PROPERTIES AND INTRODUCTORY EVALUATION OF MARMARAK (SALVIA) PLANT

Begmatov Abdusamat Mamatkulovich - Termiz State University, dotsent.
Termiz, Uzbekistan

Abstract: Marmarak plant is heat-loving, light-loving, drought-resistant. With its medicinal properties, it ranks first among plants in medicine.

Key words: marmarak (shalfey), medicinal marmarak (*Salvia officinalis*), Ethiopian marmarak (prjevalisky), aromatic marmarak (bulleyana).

Тупроқлари. Қуйида Сурхондарё вилоятининг тупроқлари бўйича маълумотлар берилган. Воҳанинг тупроғи нейтрал, яъни рН 6,5-7,5 га тенг. Тупроқ Сурхон табиатининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, у ўзида жонли ва жонсиз табиий бойликни мужассамлаштирган ҳосиладир. Вилоят худудининг мураккаб орографик хусусиятлари унда тупроқ она жинсининг

хар хиллигини келтириб чиқарган. Бу ерда чўл зонасига хос тупроқлар тарқалган бўлсада, улар бир бутун яхлит майдонлар ҳосил қилмайди, балки жойнинг рельеф хусусиятлари, цизот сувларининг кимёвий таркиби, чуқурлиги ва бошқа табиий омилларга биноан тупроқ типлари алмашиб туради. Сурхондарёда бўз тупроқ кенг тарқалган. Унинг уч типи учрайди: тақирли бўз тупроқ, типик бўз тупроқ ва тўқ тусли бўз тупроқ.

Тақирли бўз тупроқ. Тақир тупроқ билан бўз тупроқнинг ўткинчи зонасида кенг тарқалган. Бу тупроқлар гранулометриқ таркибининг оғирлиги, текис юзали рельеф кўринишига эга бўлганлиги билан ажралиб туради. Тақирнинг юза қатлами одатда зич бўлади, сув ўтказмайдиган қатлам ҳосил бўлади. Бу нарса эса ўсимликнинг ривожланишига таъсир этади. Шўрланган бу тупроқларда чиринди кам (0,40-1,03% атрофида). Тақирли бўз тупроқ оч тусли бўз тупроқ билан алмашади. Оч тусли бўз тупроқ эса вилоятнинг текислик зонасида кенг тарқалган. Унинг тарқалиш географияси денгиз сатҳидан 300 метр баландликдан токи 500-700 метргача боради. Чириндининг асосий қисми ҳайдалма қатламда бўлиб, пастга томон кескин камайиб кетади. Типик бўз тупроқ ясси тоғлар ва уларнинг ёнбағирлари, лалмикор ерлар билан суғорма деҳқончилик қилинадиган ҳудудларнинг бир қисмида тарқалган. Бу тупроқ денгиз сатҳидан 700 м дан токи 1100-1200 метргача бўлган баландликларда кенг тарқалган. Тупроқнинг ишчи қатлами анча унумдор. Вилоятда бўз тупроқ эгаллаган ерлар 300-340 минг га атрофидадир. Унинг бир қисмида суғорма, қолган қисмида лалмикор деҳқончилик қилинади. Тўқ тусли бўз тупроқ умумий қонуниятга кўра, вилоятнинг тоғли ва баланд тоғли зоналарида денгиз сатҳидан 1100-1200 м дан баландликда жойлашган. Уларнинг таркиби оч тусли тупроқларга қараганда 2,5 марта, типик бўз тупроқга нисбатан эса 1,5 марта чириндига камбағал. Тўртламчи даврга оид лесс ва лессимон (созтупроқ) ғовак ётқизик жинсларининг 20-60 м (баъзан бундан ҳам кўп) қалинликдаги қатламларида таркиб топганлиги, аксари жойларда қияликнинг 15-20 даражага бориши,

иқлимнинг қуруқ ва илиқлиги, ёғин-сочиннинг камлиги ва нотекис тақсимланганлиги маҳаллий шамолларнинг тез-тез юз бериши, ўсимлик қопламнинг сийраклиги ва ер юзасининг тез (ўсимлик қовжираб қуриши билан) очилиб қолиши, яъни Марказий Осиёга хос бўлган «яланғоч тоғлик» шароити ва бошқа географик омиллар тупроқ эрозиясининг кенг ривожланишига олиб келган.

Интродукцион баҳолаш. Интродукцион баҳолаш интродуцентни мазкур экологик шароитда ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва чидамлилиги каби кўрсаткичларининг таққосланиши асосида амалга оширилади ва муайян шароитда интродукцион баҳолаш билан тугалланади [9].

Интродукция натижаларини баҳолаш бир йиллик ўсимликларда Г.Н. Андреев (1975) ва Р.А.Карписоновалар (1978), кўп йиллик ўт ўсимликларда Б.А. Головкин (1973) томонидан таклиф этилди [3]. Кейинчалик Г.Н. Андреев томонидан ўт ўсимликлар интродукцияси натижаларининг баҳоланиши, уларнинг ҳаётий шаклига асосланиб амалга оширилди [6]. Н.А. Базилевская (1964) ўт ўсимликларининг интродукцияси ва иқлимлаштирилиши натижаларини 6-балли шкала асосида баҳолади.

Республикамиз шароитида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника боғида И.В.Белолипов (1971-1983) томонидан тавсия этилган ўсимликлар интродукциясининг натижаларини баҳолаш экоинтродукцион усул асосида ўсимликларни интродукцион баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилди [3]. Унга асосан, ўсимликларни интродукция шароитида 0 дан 5 баллгача баҳоланди ва 5 баллга эга бўлган ўсимликлар интродукция жараёнида муваффақиятли ўсимлик сифатида танланди.

Ю.М. Мурдахаев (1992), доривор ўсимликларни республикамиз шароитида интродукцияси, ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини, мослашиш жараёнини уларнинг флористик ареаллари, ҳаётий шакли ва экогеографик тарқалиш хусусиятларига боғлаб ўрганган [5].

Кейинчалик эса Б.Ё. Тухтаев (2009) томонидан “Ўзбекистоннинг шўр ерларида доривор ўсимликларнинг интродукцияси” мавзусида амалга оширилган илмий тадқиқот ишларида шўр тупроқларда доривор ўсимликлар интродукцияси натижаларини баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилди ва унга асосан ўсимликларнинг интродукцион чидамлилиги, намликка, юқори ҳароратга, паст ҳароратга нисбатан ҳолати ва табиий ҳолда кўпайишига асосий эътибор қаратилди

Илмий ишларимизда *Crocus* туркуми турларини интродукцион баҳолаш учун И.В.Белополов услубига амал қилдик Шунингдек, *Crocus* туркуми турларини кенг масштабдаги плантацияларини ташкил этиш мақсадида асосий кўрсаткичларни ўсимликларнинг майдондаги чидамлилиқ кўрсаткичига қаратдик. Унга асосан, *Crocus* туркуми турларини интродукцион баҳолаш қуйидаги 3.2-жадвалда келтирдик.

3.2-жадвал

Crocus sativus L. турининг интродукцион тавсифи

№	ИНТРОДУКЦИОН КЎРСАТКИЧЛАР	Тур <i>C. sativus</i>
1	Ҳаётий шакли	Кўп йиллик, ўт
2	Тажрибада кузатилиши	2 йил
3	Олиб келиниши	Туганакпийезидан
4	Генератив даврга кириши	Биринчи йилдан
5	Суғоришга муносабати	3 балл
6	Совуқдан шикастланиши	Кузатилмади – 5 балл
7	Касаллик ва зараркунандалардан зарарланиши	Қисман зарарланади – 3 балл
8	Рақобатдошлиги	2 балл
9	Интродукцион баҳолаш	3 балл

ХУЛОСА. В. Маҳмудов 2014-2017 йилларда Фарғона ва Тошкент шароитида олиб борган илмий тадқиқот ишлари билан солиштирадиган бўлсак, Термиз шароитида генерация фазаси бироз кечроқ бошланганлигини кўриш мумкин. Фарғона водийси шароитидаги ўсимликларнинг вегетация йилларида генератив даврга кириши 14-октябрда, Тошкент шароитида 9-

октябрда бошланган бўлса, Термиз шароитида нисбатан кечроқ 29-октябрда бошланди. Бунда албатта йиллик об-ҳавонинг ўзгариши аҳамиятли ҳисобланади. Биринчи йилда Тошкент шароитида гуллаган ўсимликлар сони 56% ни, Фарғона шароитида 79 % ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Термиз шароитида 89 % ни ташкил этди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Х.Х.Холматов, О.А.Аҳмедов, *Farmakognoziya: darslik*, Toshkent, Ibn Sino nomidagi NMB, 1995.

2. А.А.Долгова, Е.Я.Ладыгина, *Руководство к практическим занятиям по фармако-гнозии*, М. Медицина, 1977.

3. Р.Л.Хазанович, Н.З.Алимходжаева, *Курс лекций по фармакогнозии с основами биохимии лекарственных растений*, Ташкент "Медицина" УзССР, 1987.

4. Д.А.Муравьева, *Фармакогнозия, учебник*, М.Медицина, 1991
И.Э.Акопов, *Валенейшие отечественные лекарственные растения и их применение*, - Т.Медицина, 1986.

5. *Dorivor o'simliklar atlasi* Jo'rayeva M.A Toshkent Noshir nashriyoti 2019.

6. Дусчанова Г.М., Равшанова М.Х. Структурные особенности вегетативных органов эндемичного вида *Allium praemixtum* Vved., произрастающего в естественных условиях обитания.